

КИЧИК ДАРЁ ҲАВЗАСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАЙДОНЛАРИ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ

Маматов С.А., Ибрагимов Ф.И., Акбарова К.Х.

Кичик дарё ҳавзасининг (Подшоотасой дарёси мисолида) сув билан таъминланганлик ҳолати ўрганилиб, ҳавзанинг умумий сув хўжалиги баланси тузилган ва уни таҳлил қилиш асосида дарё ҳавзасидаги қишлоқ хўжалик майдонларининг сув билан таъминланганлигини дарё сув оқимини мавсумий ростлаш орқали яхшилаш мумкинлиги кўрсатиб берилган ва мавсумий сув омборларини ривожлантириш таклиф қилинган.

Изучена водообеспеченность бассейна малой реки (на примере реки Подшаотасой), составлен водохозяйственный баланс бассейна. В качестве основного мероприятия, позволяющего улучшить водообеспеченность орошаемых земель в бассейне реки выделено увеличение мощностей водохранилищ сезонного регулирования.

Small river (Podshaota river) water flows probability assessment results are presented. The water balance of river basin for different water probability years is formed. Installation of water reservoirs with seasonal regulation is offered as a main action for improving of water supply of the river basin area.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерларининг сув таъминотида йирик дарёлар билан бир қаторда кичик дарёлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кичик дарёлар сувлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлатиладиган жами дарё сув ресурсларининг 30,2 % ини ташкил қилади. Шу жумладан, Амударё дарёси ҳавзасида Ўзбекистон ишлатадиган дарё сувларининг 20,6 % и, Сирдарё дарёси ҳавзасида эса 46,7 % и кичик дарёлар ҳиссасига тўғри келади [1].


Кичик дарёлар ҳавзалари бошқа сув манбаларининг йўқлиги, суғориш каналларида сув оқимининг тезлиги ва суғориладиган майдонлари нишаблигининг юқорилиги ҳамда ўзанлар ва суғориладиган майдонларда сув филтрациясининг кучлилиги билан характерланади.

Кичик дарёлар ҳавзасини сув билан таъминланганлик даражасини ўрганиш, баҳолаш ва уни яхшилаш таклифларини ишлаб чиқиш ишлари Фарғона водийсининг шимолида жойлашаган ва Наманган вилоятининг икки тумани сув таъминоти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган Подшаота дарёси ҳавзаси мисолида амалга оширилди.

Подшаота дарёси Чотқол тоғ тизмаларида пайдо бўлиб, қор ва музликлардан тўйинади. Дарё ҳавзаси денгиз сатҳидан ўртача 2000 м баландликда жойлашган. Дарёнинг узунлиги 130 км бўлиб, сув йиғиш майдони 443 км² га тенг.

Тосту дарёси қуйилиш жойидаги гидропост маълумотларига кўра дарёдаги сувларнинг ўртача йиллик оқими 192,5 млн.м³/йил ни ташкил этади. Дарёнинг ўртача йиллик сув сарфи 6,1 м³/с га тенг бўлиб, энг кўп сув оқими июн ойида (ўртача 38,37 млн. м³) оқиб ўтади, энг кам сув оқими эса (ўртача 4,95 млн. м³) феврал ойига тўғри келади.

Подшаота дарёси ҳавзасининг сув билан таъминланганлигини баҳолаш учун дарё ҳавзасининг умумий сув хўжалиги баланси тузиб чиқилди. Бунинг учун аввало дарё ҳавзасидаги мавжуд сув ресурслари (дарё сув оқими, булоқ сувлари, ер ости сувлари ва Катта Наманган каналидан насослар ёрдамида етказиб бериладиган сувлар, ёгин сувлари), дарё ҳавзасидаги сув истеъмолчиларнинг сувга бўлган талаблари ўрганилиб, таҳлил қилинди.



1 - расм – Подшаота дарёси сув оқимининг таъминланганлиги

Дарё ҳавзасидаги мавжуд сув ресурсларини баҳолаш натижалари дарё сувлари оқимининг 25 % ли, 50 % ли, 75 % ли, 90 % ли ва 95 % ли таъминланганлик даражалари бўйича баҳолаб чиқилди (1-жадвал).

1-жадвал. Подшаотасой дарёси ҳавзасидаги мавжуд сув ресурсларининг умумий миқдори

Сув билан таъминланганлик даражаси, %	Сув оқимининг йиллик ҳажми, млн.м ³	Ойлик сув оқими, млн. м ³											
		I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
25	267,68	7,4	8,7	10,4	28,9	42,8	44,3	49,0	30,71	16,5	9,3	9,2	10,5
50	249,32	7,6	9,3	12,8	27,6	42,7	41,2	41,3	25,32	13,9	8,8	8,5	10,4
75	241,32	6,8	8,3	9,9	25,6	39,3	44,2	41,4	25,53	13,6	8,3	8,3	10
90	230,84	6,7	8,1	9,8	25	45	38,8	37,5	22,34	12,3	7,8	8,1	9,6
95	224,93	7,6	8,7	10,6	28,4	38,7	31,8	33,6	23,76	12,9	9,1	9,3	10,4

Подшаотасой дарёси ҳавзасида жойлашган сув истеъмолчиларнинг (аҳолининг ичимлик ва маиший эҳтиёжлари, саноат корхоналари сув таъминоти ва экин майдонларини суғориш) учун сувга бўлган талаблари ҳисобланиб, таҳлил қилинди (2-жадвал).

2-жадвал. Подшаотасой дарёси ҳавзасидаги умумий сув истеъмоли миқдори

Сув истеъмоли тури	Йиллик истеъмоли ҳажми, млн.м ³ /йил	Ойлар бўйича сув истеъмоли миқдори, млн.м ³ /ой											
		I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
Ичимлик ва маиший мақсадлар учун	10	0,7	0,7	0,7	0,7	0,9	1,1	1,1	1	0,7	0,7	0,7	0,7
Саноат корхоналари	12,4	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0
Экин майдонларини суғориш учун	218,2	0	0	8,8	24,6	35,3	45,8	48,5	29,5	16,4	9,2	0	0
ЖАМИ	240,7	1,7	1,7	10,6	26,3	37,3	47,9	50,6	31,6	18,2	11,0	1,8	1,7

Подшаотасой дарёси ҳавзасидаги мавжуд сув ресурсларини турли даражадаги таъминланганликларини дарё ҳавзасидаги умумий сув истеъмоли миқдорлари ўртасида ўзаро солиштирилди. Натижада дарё ҳавзасининг сув ҳўжалиги баланси тузиб чиқилди. Натижалардан кўринадики сув балансини йил ойлари бўйича таҳлили натижалари июнь-октябр ойларида 10-50 млн. м³ миқдордаги сув етишмаслигини кўришимиз мумкин.

3-жадвал-Подшаотасой дарёси ҳавзаси Ўзбекистон қисмининг сув ҳўжалиги баланси

Таъминланганлик даражаси, %	Йиллик хажм, млн.м ³	Ойлар бўйича сувлар ҳажми, млн.м ³ /ой											
		I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
25	27	5,7	6,9	-0,2	2,6	5,5	-3,7	-1,6	-0,9	-1,7	-1,6	7,4	8,7
50	8,6	5,8	7,5	2,1	1,2	5,4	-6,8	-9,4	-6,3	-4,3	-2,2	6,8	8,7
75	0,6	5,1	6,6	-0,7	-0,7	2	-3,8	-9,2	-6,0	-4,6	-2,7	6,5	8,3
90	-9,8	4,9	6,3	-0,8	-1,3	7,7	-9,2	-13,2	-9,3	-5,9	-3,2	6,4	7,9
95	-15,7	5,9	7	-0,02	2,1	1,4	-16,1	-17,02	-7,9	-5,3	-1,9	7,5	8,7

Хулоса қилиб айтганда, ушбу етишмаган сув миқдорини камайтириш мақсадида ҳавза тизимидаги мазкур сувнинг бир қисмини ҳозирги кунда Эски ер ва Чортоқ сув омборларида йиғиш учун саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганлигини инобатга олинган бўлса ҳам дарё ҳавзасида сув оқимини мавсумий ростловчи сув омборларини кўпайтириш ва улар ёрдамида 15-20 млн. м³ миқдордаги сувни бемалол қайта ростласа бўлади.

Шунинг учун, Подшаотасой дарёси ҳавзасининг сув таъминотини яхшиловчи устувор тадбир сифатида куз-баҳор давридаги дарё сув оқими ва дарё ҳавзасида юзага келадиган сел сувларини тутиб қоладиган ва сув оқимини қайта ростлайдиган кичик сув ҳавзаларини, шу жумладан Заркент сув омборини қайта тиклаш ва Қандиён сел омборини тўлақонли сув омборига айлантириш тадбирлари таклиф қилинади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ильин И.А. Водные ресурсы Ферганской долины. –Л.: Гидрометеиздат, 1969.
2. Маматов С.А. Разработка предложений по совершенствованию управления стоком трансграничных малых рек Ферганской долины. НТО, Архив НИИИВП, 2010.
3. Сибукаев Э. Особенности формирования и преобразования стока малых горных рек Узбекистана (на примере бассейна Кашкадарьи): дис. канд. тех. наук. – Т.: ИВП, 1996. – С.9.
4. Уточнение схемы комплексного использования и охраны водных ресурсов бассейна реки Сырдарьи. Корректирующая записка. Средазгипроводхлопок, Ташкент, 1983 – 124 с.